
Гулнора Матқулобод бодомлари

Мамлакатимиз Президенти 11-12 июл кунлари Фарғона вилоятига ташрифлари чоғида Бағдод туманидаги "Гулнора Матқулобод бодомлари" кооперацияси иш фаолияти билан танишар экан, жуда қисқа фурсат ичида 500 та ишчи ўрни яратган "Гулнора Матқулобод бодомлари" кооперация раҳбари Гулнора Усмонова тимсолида вилоятда фаолият олиб бораётган кооперация тизимидаги самарали ишларни мамлакат миқёсида оммалаштириш ҳақидаги ташаббуслари бугун ҳаётга изчиллик билан тадбиқ этилмоқда.

Бугун Бухоро вилоятидан ташриф буюрган бир гуруҳ делегация аъзолари бодомчи қизлар кооперациясида бўлиб, улар фаолияти билан яқиндан танишдилар, тажриба алмашдилар. Шунингдек, амалий семинар иштирокчилари тумандаги Т.Ғозиев раҳбарлигидаги "Ориент органик" кооперацияси ишчилари томонидан ишлаб чиқарилаётган харидоргир гигиеник табиий тоза мочалка ҳамда уй-рўзғор маҳсулотларининг сифати ва харидорлиги хусусида фикр алмашишди.

2024-07-19 10:33:12